



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 14 январь, № 8 (9179)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАВФСИЗЛИК ВА МУДОФААНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 13 январь куни Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлари,

ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, бошқа идоралар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Ўтган йилларда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси изчил ошириб борилмоқда, мудофаа саноа-

тининг салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Мудофаа вазирлиги қўшинларида янги тактик усуллар жорий этилиб, машғулотлар сони ва шиддати 1,5 барбара оширилди, учувчисиз учиш

аппаратлари бўлинмалари ва мутахассислар тайёрлаш марказлари ташкил этилди. Армияни рақамлаштириш бўйича бошланган ишлар натижасида ахборот хавфсизлиги, бошқарув ва

кўрсатилаётган хизматлар самарадорлиги сезиларли даражада ошди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!
Муҳтарам Қуролли Кучларимиз фахрийлари! Қадрли ватандошлар!
Аввало, сиз, азиялارни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод етатман.

Ушбу кутлуг айёмда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек югат шарафли ва масъулиятли ишга бағишлаган, ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, мамлакатимиз мустақиллиги ва ҳудудий ахилитлигини кўз қорачигидек асраб келаётган она юрт посбонларига яна бир бор юксак ҳурмат ва эҳтиром билдирамиз.

Айни вақтда Ватан олдидаги йигитлик бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган қаҳрамон ўғлонларимизнинг хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирамиз.

Бугунги кунда халқимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан ютуқ ва марраларни қўлга қиритмоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган том маънодаги тарихий ўзгаришларда шавкатли Қуролли Кучларимизнинг, сизларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз сизларни буюк аждодларимиз анъаналарининг шонли давомчилари деб биламиз ва сизлардек Ватанга фидойи, душманга шафқатсиз, жанговар сафларда доимо хушёр ва курашга шай бўлган азму шижоат соҳиблари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, эл-юртимизга шундай довурак, ботир ва баҳодир фарзандларни тарбиялаб берган ота-оналарга, ҳарбий хизмат давомида барча қувонч ва ташвишларни улар билан баҳам кўриб келётган оила аъзоларига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор етатман.

Қадрли дўстлар!
Кейинги йилларда **“Ўзбекистон — 2030” стратегияси** доирасида ортга қайтмас ислохларимизнинг мустаҳкам кафолатларидан

бирига айланиб бораётган Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий қудратини ошириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширялгимиз. Жумладан, бошқарув ва таъминот тизими такомиллаштирилиб, замонавий ахборот технологиялари асосида модернизация қилинмоқда, қўшинларимизнинг жанговар сафлари янгича таълим ва тарбия олган малакали офицер ва сержантлар билан тўлдирилмоқда.

Шахсий таркибнинг тайёргарлик даражаси, ҳарбий хизматчиларнинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳияти изчил юксалтириб борилмоқда. Қуролли Кучларимиз замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан босқичма-босқич таъминланмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқишни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқ билан армия ўртасидаги мустаҳкам бирлик ва жипсликни янада кучайтиришга қаратилган самарали ишларимиз қатъий давом эттирилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг сиёсий ва ҳарбий ҳаритасида қандай шиддатли ўзгаришлар юз бераётганини барчамиз кўриб, англаб турибмиз.

Турли минтақаларда геосиёсий вазият тобора мураккаблашиб, зиддият ва қонли тўқнашувлар кучаймоқда. Замонавий технологиялар, янги авлод қурол-яроғлари пайдо бўлмоқда, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг стратегия ва тактикаси янада такомиллашмоқда.

Мавжуд вазиятнинг ҳисобга олган ҳолда, биз келгусида жанг ва бошқарув усулларини замон талаблари асосида янгилаймиз, юқори малакали ҳарбий кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай курашнинг тақдирини шахсий таркибнинг билим ва малакаси, ирода ва қатъияти, ўзига бўлган ишончи, мардона фазилатлари ҳал қилади.

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, жумладан, суъний интеллект асосида роботлаштирилган мажмуалар билан таъминлаш, қўшинларни бошқариш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнларида илғор ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир ишларнинг самарасини ошириб, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ишларни кучайтирамиз. Бу борада давлат ва фуқаролик институтлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этишига алоҳида аҳамият қаратамиз.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи халқ билан армия — бир тану бир жон эканини, унинг ортида 38 миллионлик халқ тоғдек таянч бўлиб турганини доимо ҳис этиши, шундан чексиз куч, руҳ ва мадад олиши керак.

Ғайрат-шижоатда тенгсиз бўлган ҳарбийларимиз ёвлар олдида ҳеч қачон бош эгмаган қўркмас ва ўнторак аждодларимизнинг ўлмас меросини ўрганиб, улардан ибрат ва сабоқ олиб, Ватан олдидаги муқаддас бурчини бундан буюн ҳам шараф билан адо етатдилар, деб ишонаман.

Азиз Ватан ҳимоячилари!
Мана шу ҳаяжонли давларда ҳар бирингизни бугунги байрам билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, сизларга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги олийжаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Жонажон Ватанимиз ҳимояси йўлида ҳеч қачон толманг, ютуқ ва зафар сизларга доимо ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош
Қўмондони**

ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОН БЎЛИНМАЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 13 январь куни Мудофаа вазирлиги тизимидаги объектлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чирчиқ авиация таъмирлаш заводига ташриф буюрди. Президентга корхонада амалга оширилган кенг қўламли модернизация натижалари ҳамда унинг янги юқори технологик бўлинмалари фаолияти ҳақида маълумот берилди. Завод негизида МДХ ва минтақамизда ягона бўлган “Airbus” вертолётларида техник хизмат кўрсатиш маркази ишга туширилган.

Марказ Франциянинг “Airbus” компанияси томонидан расмий сертификациядан ўтказилган бўлиб, ишлаб чиқариш юқори савияда ташкил этилгани, халқаро стандартлар ва ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланган. Бу ерда Фарб авиатехникасининг замонавий моделлари, шу жумладан, “Н-125”, “Н-215” ва “Н-130” русумли вертолётлар учун сервис ва таъмир-

лаш ишларининг тўлиқ занжири йўлга қўйилган. Марказ Ўзбекистонни “Airbus” вертолётларида техник хизмат кўрсатиш ва уларни эксплуатация қилиш бўйича муҳим минтақавий ҳабга айлантириш имконини беради. Мамлакатимиз етакчиси марказ имкониятлари билан танишди ва мутахассислар билан мулоқот қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБІЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини юксалтиришдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Мардлик» ордени билан
Ахмедов Шерзод Хурматжон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси
Вапаев Сардарбек Ражаббаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Мадиев Ҳаким Абдумурат ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси
Худайбергандов Хуршид Хамдамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси



Сурур

Миллат матонатномасин жонга жойла,
Жонга жойла, жон бирла иймонга жойла.

Булбулга ҳам бўлгай ошён гўзал Ватан,
Ўз юртини айлар инсон гўзал Ватан.

Мен фахр етсам арзигаъдир замонамдан,
Қурдик янги давру даврон, гўзал Ватан.

Бу кунларга осонликча етмадик биз,
Бермиш қанча жонни қурбон гўзал Ватан.

Дунё давлатларин гуррос қаратолган,
Сохибқарвон, сохибсарбон, гўзал Ватан.

ГЎЗАЛ ВАТАН

Ватандошим юртнинг фазлу қамолин кўр,
Жаҳон ичра янги жаҳон, гўзал Ватан.

Миллат матонатномасин жонга жойла,
Бу янги жон, бу янги қон, гўзал Ватан.

Гўзал Ватан — маҳалла-қўй, боғу бўстон,
Янги келинчақдай жонон, гўзал Ватан.

Янги орзу-ниятлардан чароғондир,
Минг-минг янги уй, хонадон, гўзал Ватан.

Сен жаҳолат дунёсин кўп уйғотгандинг,
Уйғот яна, яна уйғон, гўзал Ватан.

Қирсанг ислом тамаддуни қасри аро,
Бунда айлар хатми Қуръон гўзал Ватан.

Насиб етса қучгаймиз ҳам самоларни,
Зиҳи қурагонийдан шон, гўзал Ватан.

Юлдузлардан хабар олиб келгайдирмиз,
Бобомерос, бобоосмон — гўзал Ватан.

Тўққиз юз минг чақалоққа бешик олган,
Онажону ҳам моможон, гўзал Ватан.

Ватан эмас букун фақат шахру кентлар —
Хар ўғил-қиз, ҳар қиз, ўғлон гўзал Ватан.

Барчамиз ҳам бу дунёга меҳмонлармиз,
Гўзал Ватан, мангу мезбон, гўзал Ватан.

Ҳеч бир миллат бир миллатни камситмасин,
Бўлмасин ҳақ хонавайрон, гўзал Ватан.

Барча эллар, хор элатлар бўлсин обод,
Яшнасин то илму ирфон гўзал Ватан.

Ер юзида битсин жангу жароҳатлар,
Қолсин фақат дориламон гўзал Ватан.

Бу гапларни билган билар, билмаслар ҳам
Майли юрсин шоду хандон, гўзал Ватан.

Бирдам бўлсин, яқдил одам авлодлари,
Бўлсин ахлит рўйи жаҳон гўзал Ватан.

Чўлпон гўзал Туркистон деб йўғлаганди,
Мен куйлагум Ўзбекистон — гўзал Ватан!

**Сирожиiddин САЙИДИ,
Ўзбекистон халқ шоири.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 34 ЙИЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБІЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Дўстлик» ордени билан

Сайфутдинова Ирина Владимировна — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони хизмат катта офицери

«Жасорат» медали билан

Абдуллаев Алишоҳ Илҳом ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Амонов Нодиржон Ибодиллоевич — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Бу-хоро шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими катта йуриқчи-кутқарувчиси

Ибрагимов Азимжон Сиддиқ ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Ким Александра Владимировна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси батальони гуруҳ катта мутахассиси

Лапасов Муслумбек Сайфулла ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизма-ти Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Муминов Вахобжон Абдувалиевич (мархум) — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

Муҳаммадов Жасуржон Расул ўғли (мархум) — Навоий вилояти Ички ишлар бошқар-маси йўл-патруль хизмати инспектори

Сулейманов Зиёдулло Муродилло ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Узақов Авазбек Тилаволдиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Хусаинов Ином Тахирович — Ўзбекистон Рес-публикаси Иқтисодийёт ва молия вазирлиги ҳузу-ридаги Божхона кўмитаси бошқарма бошлиги

Шомуратов Мансур Бурмевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ катта ўқитувчиси

Эргашев Амирхон Бахриддинович — Ўзбеки-стон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Кўшанов Мансур Бурхон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегар-а қўшинлари ҳарбий хизматчиси

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдимўминов Аброр Исроилович — Ўзбекис-тон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирли-ги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси “Сариосиё” темир йўл чегара божхона пости гуруҳ инспектори

Алиев Жамшид Валижонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиги

Бадалбоев Феруз Юсуфович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиги

Бобоев Миршод Муротович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси марказ бош-лиги

Буваев Турғунбой Мадаминжонович — Ўзбе-кистон Республикаси Судьялар олий кенгаши суд инспекцияси раҳбари

Жўраев Максуд Турсунбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта йуриқчиси

Исаков Собиржон Қодирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегар-а қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Каримов Абдурауф Бобур ўғли — Ўзбекис-тон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Касимов Рустам Гулямович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи директори

Мамадалиева Санобар Турсуновна — Ўзбе-кистон Республикаси Олий судининг судьяси

Нийёзов Аваз Аминович — Ўзбекистон Рес-публикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Парпиев Акмал Норқўзиевич — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиги

Шукруллаев Муроджон Илёс ўғли — Тош-кент вилояти Тошкент тумани прокурорининг ўринбосари

Турсунова Гулчехраҳон Раҳимжоновна — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдამчиси

Турганбоев Хамидулла Анорбоевич — Ўзбе-кистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Эгамбердиев Хасан Куролович — Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Бо-ёвут тумани фавқулодда вазиятлар бўлими сме-на бошлиги

Эргашев Ойбек Ғофиржон ўғли — Ўзбекис-тон Республикаси Мудофаа вазирлиги депар-таменти бўлим бошлиги

«Шухрат» медали билан

Абдусаттаров Бахтиёр Абдусамадович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар Учтепа тумани бўлими давлат ижрочиси

Адилхаджаев Анвархужа Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши ку-рашиш департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси бўлим бошлиги

Айтмуратов Руслан Анвар ули — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғис-тон Республикаси бўйича бошқармаси бўлим бош-лиги

Жаксимуратов Мират Маратович — Қора-қалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ички иш-лар бўлими бўлинма бошлиги

Миртурсунов Хуршид Миркадирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взвод командири

Остонов Мирзохид Ёрмевич — Қашқадарё ви-лояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бош-лигининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиги

Султонов Аслиддин Мухтарович — Самар-қанд вилояти Пастдарғом тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Халенов Исахон Маруфжанович — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ёнғин-кутқарув отряди кутқарувчи-йуриқчиси

Элиев Жохонгир Худойбердиевич — Ўзбе-кистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси	
Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шаҳри, 2026 йил 12 январь	

ХАВФСИЗЛИК ВА МУДОФААНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббу-си билан ҳарбий таълим тизими тубдан янгиланди, малакали профессор-ўқитувчи ва инструкторлардан иборат Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа универ-ситети ташкил этилди.

Таълим жараёнига ўқитишнинг илғор рақамли технологиялари, жумладан, сунъий интеллектга асосланган ва за-монавий баҳолаш тизимлари жорий этилгани ҳарбий кадрлар тайёрлаш си-фатини янги bosқичга олиб чиқди.

Йиғилишда мамлакатимиз хавфсизли-гини таъминлаш, мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш борасидаги устувор ва-зифалар муҳокама қилинди.

Турли минтақавий моҳаролар кен-гайиб, қуролланиш пойгаси авж олаёт-гани, умуминсоний кадриятларга ҳурмат, ҳалқро ҳуқуқ нормалари ва ҳалқро дипломатия заифлашиб бораёт-гани қайд этилди.

— Бир нарсани тушуниб олиш зарур. Замонавий уруш табиати тубдан ўзгар-ди. Энди қайси давлат фақат танк, са-молёт ёки аскарлар сонига таяниб ғала-ба қозонаман деса, қаттиқ адашади. Ҳозирги жанглар сунъий интеллект, ра-қамли бошқарув, узоқ масофага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, ки-бер ва робот технологиялар, сиёсий-иқтисодий босим асосида олиб борил-моқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис тинчлик ва хотиржамлик энг қиммат бойликка айланаётганини бир дақиқа ҳам унутмаслик лозимлиги таъ-кидланди. Бу бойлиқни асраб-авайлаш учун эса ҳар бир соҳа ва тармоқ хавф-хатарларга олдиндан жавоб қайтариш бўйича “проактив иш режими”га ўтиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий Бош Қўмондон келгуси истиқ-болга мўлжалланган энг муҳим вазифа-ларни белгилаб берди.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилади.

— Шунинг унутмаслик керакки, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш армиянинг янги қиёфасини шакллантиришнинг асосий шартидир, — деди Президент.

Муддатли ҳарбий хизмат — фақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки ёшларимиз жамиятда мустақам ўрнини топиши учун уларни меҳнат бо-зорига ва мустақил касбга тайёрлаш bosқичи сифатида ташкил этилиши зар-рурлиги қайд этилди.

Жумладан, армияда ёшлар камида битта касб эгаси бўлиб чиқиши бўйича мутлақо янги тизим яратилади. Ҳарбий қисмлардаги асосий йўналиш ва мута-хассисликлардан келиб чиқиб, аскар-ларни касбга тайёрлаш бўйича 3 — 6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади. Дас-турни яқунлаган аскарлар малака им-тиҳонидан ўтказилиб, уларга касб сер-тификати берилади.

Ҳар йили 5 минг аскар саралаб оли-ниб, “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилади.

Аскарларга муддатли ҳарбий хизмат-ни ўташ даврида ҳарбий қисмнинг ўзида олийоҳго ўқишга кириш учун имтиҳон топириш имконияти яратилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, та-лабалikka қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат яқунланиши билан олийоҳда ўқишини бошлайди.

Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртиларда тахсил олмоқчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификати олиш харажатлари қоплаб

берилади. Агар улар олийоҳларга кон-тракт асосида қабул қилинса, фоиcсиз таълим кредити ажратилади.

Бундан ташқари, армиядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилади. Жум-ладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларнинг кредит хаража-тининг 6 фоизи давлат томонидан қо-планади, давлат ташкилотларига ишга кирмоқчи бўлган ёшлар учун Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан ўтказиладиган тест балларига 10 фои-злик имтиёз бериш амалиёти жорий қилинади. Хусусий секторда фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга касбни эгал-лаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилади.

— Бир сўз билан айтганда, “муддат-ли ҳарбий хизматни ўташ — ёшлар учун муваффақият йўли”га айланиши керак, — деди Президентимиз.

Мухандислик-техник, киберхавфсиз-лик ва ахборот хуружларига қарши ку-рашиш соҳаларида юқори малакали му-тахассислар тайёрлаш энг муҳим маса-ла экани таъкидланди. Шу боис муҳан-дислик-техник йўналишдаги ҳарбий-ил-мий базани мустаҳкамлаш, жойларда ҳарбий технопарклар ташкил этиш зар-рурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг маънавий оламини ҳам мунтазам бойитиб боришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Бунда китобхонлик муҳим ўрин тут-ади. Шу боис ҳарбий йилда барча ҳар-бий қисм ва муассасалар жами 1 мил-лион нусхадаги бадиий адабиётлар би-лан таъминланади.

Қуролли Кучлар тизимидаги ҳарбий-га йўналтирилган мактаб-лицей ўқувчи-лари, муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар, сержант ва офицерлар ўртасида Олий Бош Қўмондон соврини учун китобхонлик танлови йўлга қўйи-лади. Округ, қўмондонлик, вазирлик, Олий Бош Қўмондон танловларида голиб ва совриндор бўлган аскарлар-нинг муддатли ҳарбий хизмати бир ойга қисқартириб берилади.

Ҳар йили ҳарбий хизматчилар ўрта-сида кўпкураш, кўл жанги, оғир атлетик-ка каби спортнинг 10 дан ортиқ анъа-навий турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Энди жорий йилдан бош-лаб киберспорт, дрон ва робот техно-логиялари каби замонавий спорт тур-лари бўйича уч bosқичли мусобақалар ташкил этилади.

— Минтақавий ва глобал вазиятни доимий таҳлил қилиб бориш, миллий армиямизнинг салоҳиятини мустаҳкам-лаш — бугунги кун талаби. Ўзбекистон армияси халқ ҳимоясига доимо тайёр туриши, бунинг учун тезкор, юқори техно-логияли, янги жанг шароитларига мос бўлиши керак, — деди Президент.

Шу сабабли қўшинларни сунъий ин-теллект асосидаги роботлашган маж-муалар ва учувчисиз тизимлар, енгил ҳарбий техника, замонавий қурол-аслаҳа, разведка воситалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз мудофаа саноатини янада ривожлантириш, соҳа корхонала-рида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш устувор вази-фалардан бири бўлиши кераклигини қайд этди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини рақамлаштириш шароитида киберхавфсизлиқни таъминлаш ва мил-

лий рақамли инфратузилманинг барқа-рорлигини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис мутасад-диларга шахсга доир маълумотлар ва рақамли тизимлар ҳимоясини таъмин-лаш бўйича комплекс чора-тадбирлар-ни белгилаш топшириди.

— Ҳарбий хизматчилар меҳнатини кадрлаш, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш доимо диққат-эътибори-миз марказида бўлиши зарур, — деди Президентимиз ва бу борада катта ян-гиликларни эълон қилди.

Хусусан, 1 апрелдан бошлаб Мудо-фаа вазирлиги офицерларига кўп йил-лик хизмати учун устама миқдори 2 кар-ра оширилади. Контракт асосида хизмат қилаётган доимо диққат-эъти-бори олий миқдори 75 фоиздан 100 фои-зга етказилади.

Худудий мудофаа ишлари бошқарма-си ва бўлимларининг ҳарбий бўлмаган хизматчиларининг олийги бу йил 20 фои-зга, келаси йили яна 50 фоиzга оши-рилади.

Қуролли Кучлар сафида 30 йилдан ортиқ хизмат қилган ҳарбийлар учун пенсия ҳисоблашда инобатга олинади-ган олий миқдори 75 фоиздан 100 фои-зга етказилади.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчи-лар учун уй-йўқ қурилиши кенгайтири-лади.

Масъулларга ҳарбий хизматчилар-нинг пенсия таъминотини белгилайди-ган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, парламентга киритиш топшириди.

Замонавий хавф ва таҳдидларнинг мазмуни ҳам, кўлами ҳам кундан-кунга ўзгариб бораётгани, мудофаа ва хавф-сизлик соҳаси олдига катта вазифалар қўйилаётганини инобатга олиб, давлати-миз раҳбари саккиз йил олдин қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келганини кўрсатиб ўтди.

Янги Мудофаа доктринаси мамлака-тимизни ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолиши-ни, кўп томонлама дипломатияга тая-нишда давом этишини, юқори техноло-гияларга асосланган стратегия, ҳарбий мустақиллик ва минтақавий барқарор-лик йўналишида ривожланишини таъ-минлаши лозимлиги таъкидланди.

— Умуман, янги доктрина армияни технологик янгилаш ва илғор ҳарбий ечимларни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш якуни-да Қуролли Кучларимизнинг жасур аскар ва сержантлари, офицер ва ге-нераллари, фахрийлари, уларнинг оила аъзолари ва ақинларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан самимий таб-риклади.

— Сизларнинг жасоратингиз, қа-самёдга садоқатингиз, эл-юрт ҳимояси йўлидаги фидойилигингиз билан бутун халқимиз фахрланади. Ғўзал юртимиз-да тинчлик-ошоишталик ва ҳамжиҳат-лик доимо ҳукм сурсин, жонаҳон Вата-нимиз янада мустаҳкам ва барқарор бўлсин! — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда Мудофаа вазири, ҳарбий округ қўмондонлари ва бошқа масъул-ларнинг ҳисобот ҳамда таклифлари эшитилди.

ЎзА.

ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОН БЎЛИНМАЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Шу ернинг ўзида Президентимизга заводнинг “Су-25” ҳарбий самолётларини ка-питал таъмирлаш ва чуқур модер-низация қилиш бўйича аниқланган цехлари тақдимот қилинди. Илғор технологияларни жорий қилиш ҳисо-бига эндиликда корхонада техника-ни замонавий навигация тизимла-ри, тунги кўриш қурилмалари ва бортдаги ўзини ҳимоя қилиш комп-лекслари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таширф яку-нида мамлакатимиз мудофаа сано-ати салоҳиятини янада мустаҳкам-лаш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятидаги Махсус опе-рациялар кучлари полиго-ни билан танишди.

Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда Мудофаа вазирли-ги қўшинларидаги барча дала ўқув майдонлари, ҳарбий қисм ва мус-

сасаларда модернизация ишлари олиб борилиб, улар ҳалқро стан-дартларга мослаштирилди.

Махсус бўлимларини самарали тайёрлаш мақсадида ҳалқро таж-риба ва қўшинларни тайёрлашнинг замонавий тенденцияларини ҳисоб-га олиб ташкил этилган Махсус опе-рациялар кучларининг янги полиго-ни мазкур ишларнинг мантикий да-воми бўлди.

Полигон объектларида шахсий таркибининг жанговар кўникмалари-ни такомиллаштириш, тайёргарлик машғулотларини самарали йўлга қўйиш ҳамда маънавий-руҳий бар-қарорлигини ошириш учун зарур ша-роитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги жанговар ва махсус тайёргарлик машғулотларини ташкил қилишнинг янги усуллари билан танишди. Қуролли Кучлар бўлимлари билан ўтказиляётган машқларнинг фаол bosқичини кузатди.

Ўқув давомида турли қўшинларга мансуб бўлимларнинг жанговар

имкониятлари ҳамда уларнинг бир-галикдаги ҳаракатларининг муво-фиқлашганлик даражаси, шунингдек, қўшинлар ва қурол-яроғни бошқа-ришнинг янги рақамли тизимлари намойиш этилди.

Турли жанговар операцияларни ўтказишда учувчисиз учиш апарат-ларидадан самарали фойдаланиш усуллари, шунингдек, турли хил ўқув-жанговар вазифаларни бажариш жараёнида артиллерия, авиа-ция, ҳаво ҳужумидан мудофаа ва куруқликдаги қўшинларнинг бирга-ликдаги ҳаракатлари кўрсатилди.

Бунда кичик командирларнинг за-монавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари ва бош-қарув маҳорати даражаси, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг тез ўзга-риб бораётган жанговар вазият ша-роитида жанг майдонида замонавий қурол-яроғ ва техникани самарали қўллаш бўйича касбий маҳоратини баҳолашга алоҳида эътибор қара-тилди.

Ўқув якунида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони бўлинмалар-нинг тайёргарлиги ва уларнинг бир-галикдаги ҳаракатларида эришилган уйғунлик даражасини юқори баҳо-лади.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларнинг қўмондонлик таркиби билан бўлган суҳбатда дунёда хавфсизликка таҳдидлар авж олаёт-ган бугунги таҳликали кунларда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, халқ ва армия бирдамлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг ўзатиши ташкил этиши кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Чирчиқ шаҳридаги техно-паркка таширф буюриб, мудофаа са-ноати корхоналари фаолияти билан танишди.

Бу ерда зирҳли ва махсус техни-калар ҳамда илғор функционал им-

кониятлари ва техник хусусиятлари билан ахрабли турадиган бир неча турдаги масофадан бошқариладиган жанговар модуллари ишлаб чиқа-риш йўлга қўйилган.

Ушбу ечимлар ҳаракатланувчи ва тургун нишонларга, шу жумладан, кўриниш чекланган шароитларда ўт очишни таъминлайди. Автомат-лаштирилган бошқарув, барқарор-лаштириш, оптик ва акустик кузатув тизимлари, шунингдек, замонавий нишонга олиш воситалари билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбарига асосий бутловчи қисмларни йиғиш, оптик-электрон ва барқарорлаштириш ти-зимларини ўрнатиш, дастурий созлаш ва герметиклиқни назорат қилиш, қурол-аслаҳаларни интегр-ациялаш ва комплекс синовларни ўз ичига олган ишлаб чиқариш bos-қичлари ҳақида маълумот берилди. Якуний bosқичда тайёр модуллар енгил зирхли техника намуналарига ўрнатилади ва дала шароитида тек-ширилади.


Жанговар модуллар турли плат-формалар, жумладан, енгил зирхли техника, махсус автомобиллар, ка-терлар ва зирхли транспортёрлар-ни жиҳозлаш учун мўлжалланган.

Лойиҳа бир қатор хорижий ҳам-корлар билан биргаликда юртимиз-нинг тегишли идоралари ва саноат корхоналари иштирокида амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз мудофаа саноати корхоналарида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иш ўринларини яратиш, ўз саноат ва технологик базасини шакллантириш-га хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари махсулотлар-нинг сифати ва ишончилигига доир талабларга қатъий амал қилиш, ма-ҳаллийлаштиришни изчил кенгайти-риш, муҳандислик компетенциялари-ни ривожлантириш ва саноат коопе-рациясини чуқурлаштириш муҳимли-гини таъкидлаб, мутасаддиларга те-гишли топшириқлар берди.

ЎзА.



Кун тартибига мувофиқ 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ижроси доирасида

Йиғилишда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган ҳуқуматга кирилган тақдирларнинг келгусидаги ижросини таъминлаш юзасидан атрофлича ва танқидий муҳокама ўтказилиб, тегишли аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Унда заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлашга, сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий, илмий ва техник ёндашувларни қўлашга, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга, аҳолининг юқори сифатли тиббий хизмат олиш ҳуқуқларининг самарали ҳимоясига, фитосанитар зарарсизлантиришнинг замонавий усулларини жорий қилишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари ҳамда Самарқанд вилоятининг айрим шаҳар ва туманлари чегараларини ўзгартиришга доир масала қўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масала ҳам муҳокама марказида бўлди.

Қонун лойиҳаси билан қимматбаҳо металллардан тайёрланган яримтайёр зарғарлик буюмларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг ҳулосасини олиш назарда тутилмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида тадбир-корлик фаолиятини қисқа муддатда содда-лаштирилган тартибда бошлаш амалиёти йўлга қўйилиб, бу жараёнда инсон омили туб-дан қисқартирилди.

– Лойиҳа билан “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонун 41-моддасини бешинчи, яъни тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти бўйича тугалланмаган олий маълумотли бўлган шахсларнинг, тиббиёт соҳасида ўрта маълумотли бўлган ходимлар ишлайдиган лавозимларда ушбу фаолият билан шуғулланишига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади, деган қисм чиқариб ташланмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Парламент сўровига келган жавобда айтилганидек, давлатимиз раҳбарининг туризм соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштиришга қаратилган қарори ижроси доирасида жами қиймати 558,5 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 56 та лойиҳа амалга оширилиб, улар орқали 6 141 та иш ўрни яратилган.

Мажлисда мазкур масала юзасидан доимий парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, Туризм қўмитаси раисининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи»

«Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида аҳоли ва тадбиркорларга балиқчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун 50 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.



Ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлгани каби инсоният сўнгги юз йиллар давомида беминнат фойдаланиб келган энергия ресурсларининг ҳам ўз чегараси бор. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг дастлабки чорагида дунёнинг аксарият мамлакатлари энергия захиралари танқислигига дуч келди. Бу бухрон давлатлар олдига ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш ва янги имкониятларни ишлаб чиқиш вазифасини ҳам қўйди. Шу боис кейинги йилларда луғатимизда “яшил” энергетика, “яшил” иқтисодиёт каби атамалар пайдо бўлди. Бу умумдунёвий жараён мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади.

Мулоҳаза

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан бири табиатни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган. Бу ресурсларни тежаб, иқтисодий ўсишни амалга ошириш ва “яшил” ривожланиш моделига ўтишни тақозо этади. Бунда атропо-муҳитни асраб-авайлаш билан бирга, юртимизнинг иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқиш ҳам кўзланган. Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтишни таъминлаш учун аввало, унинг экологик ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарур. Бу жараён экологик сертификат ва стандартларни қатъийлаштириш, янги “яшил” технологияларни рағбатлантирувчи солиқ тизимларини жорий этиш, атропо-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларга мос келувчи ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва табиат муҳофазасини билан боғлиқ масалаларда жамоатчилик иштирокини кучайтиришни ўз ичига олади.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтишда миллий шаффофлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтишда миллий шаффофлик тизимини жорий этиш концепцияси тасдиқланди ва унга оид бошқарув механизмлари белгиланган бўлибди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атропо-муҳитни асраб ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга асосан, экологик ҳуқуқий ва “яшил” иқтисодиётга оид асосларни такомиллаштириш бўйича бир қатор йўналишлар белгиланди.

Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидagi мустақиллигини мустаҳкамлаш ва энергетика тизимини диверсификациялаш йўлидаги стратегик аҳамиятга эга бўлган ижобий натижалари эътиборга лойиқ. Бу иқтисодиётимизнинг барқарор ривожини, саноат, қишлоқ ҳўжалигини ва иқтисомий инфратузилмалар учун энергия таъминоти узлуксизлигини таъминлаш билан бирга инвестиция жозибадорлигини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда ҳам жуда муҳим омилдир. Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларига заруратнинг бир неча муҳим сабаби мавжуд. Аввало, улар истеъмолчиларни узлуксиз энергия билан таъминлаш баробарида таъминотни барқарорлаштириш, нархларни пасайтириш ва иқтисодий самарадорликни оширишга ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки, 2030 йилга қадар Ўзбекистонда 19 минг мегаватт қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини барпо этиш ва уларнинг улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Бундай инновацион лойиҳалар Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтишини тезлаштиради ва бир қатор ижобий натижаларга эришишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбалари ва замонавий технологияларнинг ишга туширилиши атропо-муҳитга нўжўя таъсирини камайтириб, углерод чиқиндилари ҳаҳмини озайтириш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, қўёш ва шамол ҳамда кичик гидроэлектр станциялари ва энергия саклаш тизимлари иш ўринларини қўлайитиришда жуда қўл келади. Бундан ташқари, энергия етказиб бериш узлуксизлигини таъминлаш даражаси ошиб, талаб ўсиши билан боғлиқ муаммолар ечимига йўл топилади ва энергия манбаларини диверсификация қилиш ҳамда ички ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали мамлакатимизнинг энергетика салоҳияти юксалади.

Бу ўринда гап фақатгина энергия мустақиллиги ёки мукаммал таъми-



Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши
курашиш қўмитаси
раиси

нот ҳақида бораётгани йўқ. Табиатни асраш, экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва табиий ресурсларни саклаш ҳам бунда асосий кўзда тутилган масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 ноябрдаги “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига қўра, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг ташкил этил-



Жуманазар ХОЛИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси ҳузуридаги эксперт
гурухи аъзоси

оила” мақомини бериш; нуфусининг ярами “яшил оила” мақомини олган маҳаллаларда “Энг тоза маҳалла” ва “Энг яшил маҳалла” танловларини ўтказиш; голиб бўлган маҳаллалар жамгармасига маҳалла аҳолисининг тақлифларини ўрганган ҳолда маҳалланинг ички инфратузилмасини яхшилаш тадбирларини молиялаштириш; йўларни таъмирлаш, энергия тежамкор ёритиш ускуналарини тиклаш, болалар майдончасини қуриш, “яшил бог” яратиш ва ўриндикларни қўлайитириш,

“Таъкидлаш жоизки, 2030 йилга қадар Ўзбекистонда 19 минг мегаватт қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини барпо этиш ва уларнинг улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Бундай инновацион лойиҳалар Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтишини тезлаштиради ва бир қатор ижобий натижаларга эришишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

ганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки мазкур қўмита қўлай экологик ҳолатни барқарор саклаш, атропо-муҳитни муҳофаза қилиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, ўрмонларни қўлайитириш, глобал иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва қўлланишга қарши курашиш соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини олиб бориш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Албатта, ҳар қандай қарор, фармон ёки қонун ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Аввало, уларнинг ижроси тўлиқ таъминланиши учун у мўлжалланган аудитория шунга тайёр бўлиши ва уни қабул қилиши керак. Шу нуктаи назардан, юртдошларимизнинг экологик маданияти бу борада катта аҳамият касб этиши инкор қилиб бўлмайди диган ҳақиқатдир. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атропо-муҳитни асраб ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Президент Фармонида аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратиш борасида бир қанча режалар ўз ифодасини топти.

“Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилди. Экологик таъмоилларни ўзининг кундалик ҳаётига жорий этишда юқори қўрсаткичларга эришганларга “Экофаол фуқаро” мақомини бериш; улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда 10 фоиз чегирма ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган банкларда истеъмолад кредитини олишда чегирма тақдим этиш; оиланинг барча аъзосига етган аъзолари “Экофаол фуқаро” мақомини олганда, ушбу оиллага “яшил

Янги Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиёт сари ташлаётган қадамлари ижобий тенденцияларни намойиш қилмоқда. Бунда бир неча муҳим устуворликлар ажралиб туради ва улар келгусидаги “Яшил” стратегиямизни белгилувчи асос бўлиши мумкин. Фикримизча, бу борада Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлиқнинг бир-бирига зид бўлмаган ҳолда, аксинча бир-бирини қўллаб-қувватлаши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Янги Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиёт сари ташлаётган қадамларини янада тезлаштиришга замин яратади.

Сўнгги йилларда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб, мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш юртимизда ҳар бир йигит учун наинки бурч, балки шараф ишига айланди. Марказий ҳарбий округнинг Навоий шахридаги ҳарбий қисмида бўлганимизда аскар ва ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитлар, уларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш жараёнини кузатиб бунга яна бир бор амин бўлдик.

МАРДЛИК ВА МАТОНАТ МАКТАБИ

— Онам ҳарбий бўлишимни хоҳларди, — дейди муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган Фаргона вилоятининг Бувайда туманилик оддий аскар Сарварбек Солиев. — 9-синфча ҳарбий мактабга борганман. Бу ерга хизматга келганимга 10 ой бўлди. Хизматда қатъий тартиб-интизом ўрнатилган. Вақтдан унумли фойдаланишни ўргандик, барча тадбирларда фаол иштирок этамиз. Ҳарбий хизматчи бўлиш истагим интилишга айланди.

Дарҳақиқат, Ватан ҳимояси, эл осойишталиги, сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга шайлик ҳар бир йигитнинг орзуси. Зеро, бегубор болалик кечган заминда энди ниятларинг улғайиб, бахтинг камол топади. Аслида, йигитликнинг асл онлари, ота-она қаддини тоғдек қўтарадиган дамлари ҳам шу. Ахир фарзанд ёки ака-ука элнинг ҳимоясига чоғланса, ундан улугворрок ифтихор борми?!

— Юртимизда тинчлик туфайли барча соҳалар жадал ривожланиб, турмушимиз кун сайин фаровонлашиб бормоқда, — дейди ҳарбий хизматни ўтаётган йигитнинг онаси Зарингор Норкулова. — Албатта, бу ўз-ўзидан эмас. Унинг ортида Ватанга садоқатли ўлонларнинг шарафли бурчини адо этишдек йигитлик шаъни туриб-



ди. Ўғлим улар сафида эканидан фахрланаман.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилган. Бу эса Қуролли Кучларимиз сафини жисмонан бақувват, маънан етук ва ҳар томонлама муносиб ёшлар билан тўлдириш имконини бермоқда. Шу боис бугун Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга сазовор бўлиш ҳар бир йигитдан чин истак билан бир қаторда юксак тайёргарлик, қатъият ва баркамолликни талаб этади. Оддий аскарлардан яна бири — Алишер Маҳка-

мов ҳам айнан шу мақсад йўлидан астойдил ҳаракат қилмоқда.

— Оилада у ака-укамиз, — дейди Алишер. — Икки акам ўз бурчини ўтади. Бугун акаларимнинг йўлидан бораётганимдан хурсандман. Насиб этса, уларнинг ортидан бориб, шу йил ўқишга қираман. Қисмимизда ўз билим ва савиямизни ошириш учун барча шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун зарур инфратузилма мавжуд. Жумладан, махсус ва бадий адабиётлар билан таъминланган замонавий кутубхона, ўқув биноси, маданият ва маърифат маркази, спорт зали аскарларнинг

ҳар томонлама чинқишига ёрдам бериб, уларнинг ўзига ишончи ва соҳага қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда. Мақсад — ҳарбий хизмат йигитлар учун чинакам ҳаёт мактабига ҳам айлانسин!

— Айни пайтда ҳарбий қисмимизда республикаимизнинг кўпгина худудларидан, жумладан, Фаргона, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларидан келган 600 нафарга яқин йигитлар муддатли ҳарбий хизматни, 200 нафарга яқин ўлонлар сафарбарлик бўйича хизматни ўтамоқда, — дейди ҳарбий қисм командири ўринбосари Бекзод Ўразов. — Турли машғулотлар орқали уларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлиги узлуксиз ошириб борилаётди. Ҳар бир машғулот қатъий режа асосида олиб борилади. Масалан, ҳафтанинг душанба ва жумасида маънавий-маърифий тайёргарлик машғулоти, қолган кунларда амалий дала машқлари олиб борилади. Амалий машғулотларда, асосан, ўқ отиш, тактик тайёргарлик, бошқариш асослари, худудни аниқлаш бўйича муддатли ҳарбий хизматчиларнинг билим ва кўникмалари оширилади. Бундан ташқари, ахлоқий-руҳий, жисмоний тайёргарлик машқлари ҳам ўтказилади.

Йигит кишининг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги, энг аввало, она Ватанини ҳимоя қилишга шай туриши, унинг тараққий этиб, ҳар томонлама мустақкам ва кудратли бўлишига, шунингдек, халқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishiга қўшган амалий ҳиссаси билан ўлчанади. Ана шу олий мақсад йўлида ҳар томонлама баркамол, жисмонан бақувват ва маънан етук аскар бўлиш зарурлигини чуқур англаган ёшлар учун ҳарбий хизмат чин маънода ҳаёт мактабига айланади.

Темур ЭШБОЕВ
«Халқ сўзи».

АСКАР ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Бугунги кунда миллий армиямиз сафарида хизмат қилиш учун йигитлардан нафақат мустақкам соғлиқ, балки юқори интеллектуал салоҳият ва кенг дунёқараш, юксак маънавий-руҳий тайёргарлик талаб этилади. Бу эса миллий армиямиз сафари Ватанимиз ҳимоясига доим шай бўлган жасур ва мард ёш кадрлар билан тўлдириб борилаётганидан далолат беради.

Дил сўзи

Ўғлим Сардорбек ҳали икки-уч ёшлик чоғидаёқ “Ким бўласан?” деган саволга тўлиқ деб жавоб беради. Бу боланинг шунчаки орзуси эмас эди. Чунки уша пайтда тоғаси Икромбек муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган, оиламизда унинг хизмати фахр билан тилга олинар, Ватан ҳимоячиси бўлиш шарафли бурч экани ҳақида кўп гапириларди.

Шу муҳитда улғайган ўғлимнинг қалбида аскарлик орзуси йиллар ўтиб ҳам сўнмади. Мактабда ўқитган йилларида спорт билан мунтазам шуғулланиб, ўзини жисмонан ҳам, маънан ҳам чинқатириб борди. Шу боис мактабни тамомлаши билан барча танлов ва синовлардан муваффақиятли ўтиб, 2025 йилнинг марти ойида ҳарбий хизматга жўнаб кетди. Айни дамда у Фаргона вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Ҳарбий қасамдё маросимидда ўғлим хизмат ўтаётган қисмга бориб, ушбу унутилмас тадбирда иштирок этдик. Сардорбекнинг эғнидаги ҳарбий либосини, кўзларида эса ишонч ва масъулиятни кўриб, юрагим янада фаҳрга тўлди. Шу онда бир ҳақиқатни чуқур ҳис қилдим: Ватан ҳимоячиси бўлиш — нафақат бурч, балки катта шараф экан.

Ўғлимдан тез-тез хат-хабарлар келиб туради. У хизматни сидқидилдан ўтаганига қолмай, келажақда шу йўналишда ўқиб, ҳарбий соҳада фаолиятини давом эттириш мақсадини дилига туккан. Ҳозир имтиҳонларга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Бу қарор ҳам тасодифий эмас — йиллар давомида шаклланган орзу ва онгли танловнинг натижаси. Кечагина тоғасига хавасманд бўлиб аскарликни орзу қилган бўлса, бугун унинг ўзи укаси Сарваржон, жиянлари учун ибрат бўлиб улғаймоқда. Улар ҳам Сардорбекка қараб, ҳарбий хизматчи бўлиш орзусида улғайишяпти. Бир авлоддан иккинчисига ўтаётган бу фахр туйғуси — жаҳиятимизда Ватанга садоқат, бурч ва масъулият туйғуларни барқарорлигининг ёрқин далили.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, халқимиз фаровонлиги истиқлолимиз берган бебаҳо неъмат бўлса, юртимиз оналарининг хотиржамлиги айнан ҳарбий посбонларимизнинг матонатли хизмати туфайлидир. Мен она сифатида бундан фахрланаман. Чунки Ватан тинчлиги, халқ осойишталиги учун хизмат қилаётган ўғлимдек посбонларимиз бор экан, келажақда ишонч билан қарайман.

Ҳосият НАЗАРОВА,
аскар онаси.
Чироқчи тумани

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси билан Малайзия олий таълим муассасалари ўртасида «Туризм ва меҳмондўстлик» йўналиши ҳамда мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эвонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлхатлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаовбар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — С. Мамиров.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6